

## А Ж Р И М

2021 йил ноябрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман суди Булоқбоши тумани Байналминал МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида

Раислик қилувчи: И.Норматов

судья ёрдамчиси - Ф.Каримовнинг котиблигида, давлат айбловчиси - Булоқбоши туман прокурорининг ёрдамчиси М.Ҳайдаров, айбланувчи Д. [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси - адвокат Ш.Хасанов, жабрланувчиларнинг қонуний вакили С. [REDACTED] нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1705-2101/133-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] ( [REDACTED] ) - 1997 йил 11 декабрь куни Андижон вилояти, [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, [REDACTED] [REDACTED] институти 2-босқич талабаси, Андижон вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 52-уйда яшайди.

Суд, айбланувчи ва жабрланувчиларнинг қонуний вакилини аризасини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан Д. [REDACTED] қуйидаги ҳолатда жиноят содир қилганликда айбланган.

Жумладан, у 2021 йил [REDACTED] июнь куни соат 09:30 ларда отаси Б. [REDACTED] номида бўлган “Дамас” русумли 60 Т [REDACTED] давлат рақамли автомашинани [REDACTED] тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчасидан ўтган “ [REDACTED] - [REDACTED] ” автомашина қатнов йўлининг “ [REDACTED] ” йўналиши бўйлаб бошқариб кетаётиб, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 77-банди, яъни “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини



бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”, 82-банди, яъни “Ҳайдовчи қувиб ўтишни бошлашдан олдин, ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш бўлаги қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш эканлигига, қувиб ўтиш жараёнида ҳаракатланишга хавф туғдирмаслигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига; шу бўлакда орқада ҳаракатланаётган транспорт воситаси қувиб ўтишни бошламаганлигига; олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси қувиб ўтиш, чапга бурилиш (қайта тизилиш) ишорасини бермаётганлигига; қувиб ўтишни тугаллаётганда қувиб ўтилаётган транспорт воситасига халақит бермасдан илгари эгаллаган бўлакка қайтиб ўта олишига ишонч ҳосил қилиши шарт”, 86-банди, яъни “тартибга солинган чорраҳаларда қарама-қарши ҳаракатланиш бўлагига чиқиб; тартибга солинмайдиган чорраҳаларда асосий ҳисобланмайдиган йўлларда ҳаракатланишда (айланма ҳаракатланишли чорраҳаларда қувиб ўтиш, кажавасиз икки ғилдиракли транспорт воситаларини қувиб ўтиш ва рухсат этилган ҳолларда ўнг томондан қувиб ўтиш бундан мустасно)” деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, олдинда ҳаракатланиб, ўнг томондаги йўлга қайрилаётган Б. [REDACTED] нинг бошқарувида бўлган ТТЗ-8010 русумли 60 [REDACTED] [REDACTED] давлат белгили трактор уловини олд ўнг балон қисмига, олд қисми билан урилиши натижасида йўловчи вояга етмаган [REDACTED] [REDACTED] ўғлини суд-тиббий экспертизасининг 01.07.2021 йилги хулосасига кўра соғлиқни бузилишига олиб келмайдиган “Енгил” тан жароҳати ва вояга етмаган [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] қизи суд-тиббий экспертизасининг 08.07.2021 йилги хулосасига кўра “Ўртача оғир” тан жароҳати олган.

Дастлабки тергов органи томонидан Д. [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Жабрланувчиларнинг қонуний вакили С. [REDACTED] судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирда у, Д. [REDACTED] билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар қопланганлигини, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ўзига нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Айбланувчи Д. [REDACTED] судга ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчиларнинг қонуний вакили С. [REDACTED] билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар мавжуд эмаслигини,



ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, иш бўйича айбланувчи Д. [REDACTED] ва жабрланувчиларнинг қонуний вакили С. [REDACTED]нинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор М.Хайдаровнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги хулосасини, адвокат Ш.Хасановнинг айбланувчининг аризасини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

[REDACTED] ўғлига нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Ажримдан норози томонлар тегишли тартибда Андижон вилоят судига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

имзо

**И.Норматов**

нусхаси аслига тўғри:

